

(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредити шартномаси НАМУНАСИ – Биргаликда қарз олувчи мавжуд бўлмаганда)

Кредитнинг тўлиқ қиймати:

_____(_____) фоиз
сўз билан

_____ - сонли ИПОТЕКА КРЕДИТИ ШАРТНОМАСИ

_____ шаҳри

____.____.____ йил

Бир тарафдан АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Кредитор» деб аталувчи) номидан _____ йил _____ даги _____ - сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи АТ «Алоқабанк» _____ директори _____ ва иккинчи тарафдан жисмоний шахс _____ (бундан буён матнда «Қарздор» деб аталувчи) биргаликда «Тарафлар» деб аталувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ТУШУНЧАЛАР

1.1. Шартномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Кредит объекти – ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товар (маҳсулот) ва/ёки кўрсатиладиган хизматлар.

Гаров объекти – кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим қилинадиган мулклар.

Субсидия – ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва (ёки) кредит фоизининг бир қисмини ҳамда яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан **Қарздор** учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварағига ўтказиладиган маблағ.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. **Кредитор Қарздорга** Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан пул суммасини (мблағларини) (бундан буён матнда «Кредит» деб юритилади) бериш, **Қарздор** эса олинган кредит суммасини қайтариш ва унинг учун фоиз тўлаш мажбуриятини олади.

3. АСОСИЙ ШАРТЛАР

3.1. Уй-жойнинг умумий қиймати: _____ (_____) сўм.

3.2. Кредит суммаси: _____ (_____) сўм.

3.3. **Қарздорнинг** ўз маблағи ҳисобидан тўланган бошланғич бадал суммаси: _____ (_____) сўм.

3.4. Бошланғич бадал учун **Субсидия** миқдори: _____ (_____) сўм.

Қарздор _____
(имзо)

3.5. Кредитдан фойдаланиш муддати: ____ (_____) ой муддатга.

3.6. Кредитни сўндиришнинг охириги муддати: ____ . ____ . ____ йил

3.7. Кредит бўйича фоиз ставкаси: йиллик ____ (_____) фоиз.

3.8. Кредит бўйича фоиз ставкасининг дастлабки беш йил давомида

Субсидия ҳисобидан қопланадиган қисми: йиллик ____ (_____) фоиз.

3.9. Кредитнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса – ўзгаришсиз қолади.

3.10. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули тарафларнинг келишувига кўра: дифференциал/аннуитет.

3.11. Кредит бўйича тўловларни тўлаш ҳар ойнинг ____ санасигача.

3.12. Кредитнинг мақсади: _____.

3.13. Кредитнинг объекти: _____.

3.14. Кредитнинг тўлиқ қиймати ____ (_____) фоизни ташкил қилади ва у қуйидаги тўловларни ҳисобга олиб ҳисобланади:

а) Кредитнинг асосий қарзи – ____ (_____) сўм, ____ тийин;

б) фоизлар бўйича тўловлар – ____ (_____) сўм, ____ тийин;

в) суғурта тўловлари – ____ (_____) сўм, ____ тийин;

г) гаров мулкани баҳолаш бўйича тўловлар – ____ (_____) сўм, ____

тийин;

д) «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами: 3030-сон, 2018 йил 2 июль)нинг 1-иловасига асосан бошқа тўловлар – ____ (_____) сўм, ____ тийин.

4. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

4.1. **Қарздор** фойдаланилмаган кредитни ёки унинг бир қисмини олишдан бепул воз кечишга ҳақли.

4.2. Шартнома имзолангандан кейин **Қарздор** тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ҳамда тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда, **Кредитор** кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

4.3. **Қарздор** Шартнома тузилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календарь кун давомида кредитдан умуман фойдаланмаса **Кредитор** **Қарздор**нинг кредитни ўтказиш тўғрисида аризасини бажармасликка ҳақли.

4.4. Кредит қисмларга бўлиб босқичма-босқич ажратилган ҳолларда **Қарздор** кредитдан 1 (бир) йил ичида тўлиқ фойдаланмаса **Кредитор** кредитнинг фойдаланилмай қолган қисмини ажратишни рад қилишга ҳақли.

4.5. **Кредитор** **Қарздор**га Шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош торган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан **Қарздор**га кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юборилади.

4.6. **Кредитор** қуйидаги ҳолатларда кредитни ва барча тегишли фоизларни муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга:

- а) **Қарздор** кредит ёки унинг фоизларини ўз вақтида тўламаганда;
- б) ажратилган кредит турли сабабларга кўра таъминотсиз бўлиб қолганда;
- в) **Қарздор** ёлғон маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этганда;
- г) **Қарздор** кредитдан мақсадсиз фойдаланганда.

4.7. **Қарздор** ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда ва Шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида 3 (уч) кун ичида ёзма шаклда **Кредиторга** хабар беради.

4.8. **Қарздор**нинг номига янги банк картаси очилганда ушбу банк картаси рақами ва унинг амал қилиш муддати тўғрисида **Қарздор Кредиторга** хабар беради.

4.9. **Қарздор** кредитни исталган вақтда муддатидан олдин жарима санкцияларисиз сўндиришга ҳақли.

5. ҲИСОБ – КИТОБЛАР

5.1. **Кредитор** кредитни Шартномада кўрсатилган шартлар асосида **Қарздорга кредит объектини** сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчи ёки реализация қилувчи шахснинг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида) ажратади, шунингдек, яқка тартибдаги уй-жойни қуриш ва реконструкция қилишда кредитнинг бир қисми лойиҳа-смета ҳужжати бўйича бажарилган ишлар (иш ҳақи) тўлови учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларнинг ёки **Қарздор**нинг банк картасига ўтказиб берилиши мумкин.

5.2. **Қарздор** кредитни ва унинг фоизларини **Кредиторга** Шартномага илова қилинган кредитни тўлаш жадвалида (1-илова) белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.

5.3. Кредитни ҳар ойдаги тўлов санаси ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларига, шунингдек дам олиш куни деб эълон қилинган байрам кунларига тўғри келганда тўлов санаси кейинги иш кунига кўчирилади.

5.4. **Кредитор** Марказий банкнинг асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда **Қарздор**ни огоҳлантириб, фоиз ставкаси даражасини ўзгартиришга ҳақли. Бошланғич фоиз ставкасини ўзгартириш **Кредитор**нинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, **Қарздор** фоиз ставкасининг **Кредитор** томонидан бир томонлама ўзгартирилишига ўз розилигини билдиради.

5.5. **Кредитга** фоизлар унинг қолдиқ суммасига кунлик ҳисоблаб борилади.

5.6. **Кредитор** Шартнома бўйича ҳамма суммаларни **Қарздорнинг** барча мол-мулклари (мулкӣ ҳуқуқлари), электрон пуллари ва таъминотлар ҳисобидан ундириб олиши мумкин.

5.7. **Қарздор Кредиторга** АТ «Алоқабанк»да, ҳамда бошқа банкларда очилган **Қарздорнинг** ҳар қандай ҳисобрақамларидан, шу жумладан, банк карталаридан кредит бўйича талабларни қондириш учун зарур бўлган маблағларни ва барча ҳисобланган неустойкаларни акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқаришга (ечиб олишга) ўз розилигини билдиради.

5.8. Шартнома бўйича **Қарздор**га кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган барча банк хизматлари учун **Қарздор** амалдаги Банк Тарифида назарда тутилган банк хизмат ҳақини **Кредитор**га тўлайди.

5.9. Янги таҳрирдаги тарифларни банкнинг расмий веб сайти (www.aloqabank.uz)да эълон қилиниши, **Қарздор**ни бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари Шартнома **Тарафлари** учун мажбурий ҳисобланади.

5.10. Кредит тўлови учун амалга оширилган тўлов келиб тушган пайтда биринчи навбатда **Кредитор**нинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини (харажатларини), ундан сўнг неустойка (пеня)ни, сўнг муддати ўтган фоизларни, муддати ўтган асосий қарзни, сўнгра жорий фоизларни, ундан сўнг қолган сумма кредит жорий қарздорлик суммасини қоплаш учун йўналтирилади.

5.11. Фоиз тўловининг бир қисми **Субсидия** ҳисобидан компенсация қилиниши назарда тутилган ҳолларда **Субсидия** ҳисобидан келиб тушган маблағ фоиз тўловларининг тегишли қисмини қоплаш учун йўналтирилади.

5.12. Фоиз тўловининг бир қисми учун **Субсидия** кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда ва миқдорда келиб тушмаганда ёки компенсация қилиш тўхтатилган ҳолларда, фоиз тўловининг **Субсидия** ҳисобидан қопланиши лозим бўлган қисми ҳам **Қарздор** томонидан тўланади.

5.13. **Қарздор**дан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса ва **Кредитор** келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтирганда кредитни қайтариш жадвали **Қарздор**нинг аризасига асосан банкнинг амалдаги тарифидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилиши мумкин.

5.14. **Қарздор** фойдаланилмаган кредитдан воз кечиш ҳақида **Кредитор**ни икки ҳафта олдин ёзма равишда хабардор этиш орқали ушбу кредитдан ёки унинг бир қисмидан воз кечишга ҳақли, бунда **Қарздор** томонидан қилинган ҳар қандай харажатлар **Кредитор** томонидан қайтарилмайди (қопланмайди).

6. ТАЪМИНОТ

6.1. **Қарздор** Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим этади:

6.2. Таъминот мол-мулк гарови бўлганда **Қарздор** гаров объектини **Кредитор** фойдасига ёнғин, zilзила, йўл транспорт ходисаси ва бошқа суғурта ходисаларидан **Кредит** муддатига мос равишда суғурталайди.

6.3. **Қарздор Гаров объектини** суғурталаганидан сўнг суғурта полисини **Кредитор**га 1 (бир) кунда тақдим этиши шарт.

6.4. **Кредитор**нинг Шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилганидан ва у **Кредитор** томонидан қабул қилиб олингандан сўнг кучга киради.

6.5. **Қарздор**нинг кредит буйича моддий жавобгарлиги **6.1**-бандида курсатилган таъминот билан чекланмайди.

6.6. **Қарздор** Шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминотини тақдим этмагунча **Кредитор** ссуда ҳисобварақ очмаслиги ёки кредит буйича пул ўтказиш тўғрисидаги тўлов ҳужжатларини (аризани) ижрога қабул қилмаслиги, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз қайтариши мумкин.

6.7. Шартноманинг **6.1**-бандида кредит ҳисобига сотиб олинган мулк (кредит объекти)ни ушбу кредит буйича гаровга тақдим қилиш шarti қўлланилганда мазкур мулк (кредит объекти) **Қарздор** томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг **10 (ўн)** иш кунидан кечиктирмасдан **гаров объекти** сифатида **Кредиторга** гаровга тақдим этилади.

6.8. **Кредит** таъминоти ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек гаров (ипотека) шартномасини нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека тўғрисидаги қайд ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ харажатларни **Қарздор** тўлайди.

6.9. **Қарздор** таъминотга тақдим этилган объектларни (мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни, ҳуқуқларни) кредит ва унинг фоизлари тўлиқ тўлангунча **Кредиторнинг** розилигисиз сотишга ёки бошқача тарзда реализация қилишга ҳақли эмас.

6.10. Кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкка шикаст етказилганда ёки турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиб қолганда **Қарздор 10 (ўн) иш кун** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

6.11. Кредит таъминоти сифатида кафиллиги қабул қилинган жисмоний ёки юридик шахслар тўлов қобилиятини йўқотган ҳолларда (масалан: ишсиз қолганда, вафот этганда, турли сабабларга кўра меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда, банкрот бўлганда, фаолиятини тўхтатганда) **Қарздор 10 (ўн) иш кун** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

7. МОНИТОРИНГ

7.1. **Қарздор** кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни **Кредиторга** тақдим этади.

7.2. **Қарздор Кредитор** сўраган ва/ёки Шартномада кўрсатилган барча ҳужжатларни **Кредиторга** 3 (уч) иш кун давомида тақдим қилади.

7.3. **Кредитор** бевосита **Қарздор** яшаш жойида ва доимий рўйхатдан ўтган жойида мақсадли текширишларни амалга ошириши мумкин.

7.4. **Кредитор** Шартномада назарда тутилмаган мақсадлар учун кредит суммасини ўтказиш тўғрисидаги **Қарздорнинг** тўлов ҳужжатларини (аризасини) қабул қилмайди, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз **Қарздорга** қайтаради.

7.5. **Қарздор** кредит ажратилганидан сўнг 30 (ўттиз) кун давомида **Кредиторга** кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (ҳисоб-фактура, бажарилган иш ҳужжатлари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар)

тақдим этмаса ёки банк ходимларига кредит мониторингини ўтказилишида тўсқинлик қилса ёки шароит яратиб бермаса мазкур кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб ҳисобланади.

7.6. Қуйидаги ҳолларда ҳам кредит мақсадсиз сарфланган ёки фойдаланилган деб ҳисобланилади:

а) **Қарздор** томонидан **Кредиторга** кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

б) ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб топилса;

в) кредит ҳисобидан сотиб олинган мулк **Кредиторнинг** ёзма розилигисиз сотилиши, ҳадя қилиниши, алмаштирилиши ва бошқа йўл билан четлатилиши ёки мулк жойини ўзгартирилишига йўл қўйилган бўлса.

7.7. **Кредитор** Шартнома бўйича зарур бўлган ҳужжатларни **Қарздордан** сўраб олиши ва ушбу ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганда кредит маблағларини ажратишни тўхтатиб туриши мумкин.

7.8. **Қарздор** Шартнома амал қилиш даврида бир йилда бир марта иш жойидан ўртача иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўғрисида **Кредиторга** маълумотномалар тақдим этиб боради.

7.9. **Қарздор** ёки унга кафил бўлаётган жисмоний шахсларнинг даромад манбаларига нисбатан шубҳа уйғонганида ёки кредитни қайтарилиши муаммога айланганида банк вакиллари **Қарздор** ёки унга кафил бўлган жисмоний шахсларнинг иш жойларига бориб уларнинг ҳақиқатдан ўша ерда ишлаётганликлари тўғрисида уларнинг иш жойидан тасдиқланган маълумотнома олиши ёхуд кафил юридик шахс бўлганда унинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиши мумкин.

7.10. **Қарздор**, унинг кафили ва/ёки таъминот тақдим этувчига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, назорат қилувчи органлар ёхуд судлар томонидан қўлланилган ёки қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, иқтисодий, молиявий жарималар ва иқтисодий, молиявий санкциялар тўғрисида **Қарздорга** маълум бўлган кундан бошлаб **Кредиторга** 2 (икки) кун ичида хабар беради.

8. ЖАВОБГАРЛИК

8.1. **Қарздор** Шартномага асосан кредитнинг асосий қисмини қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда кредитнинг муддати ўтган асосий қисмига ҳар бир кечиктирилган кун учун Шартноманинг 3.7-бандидаги фоиз ставкасининг _____ **баробари** миқдоридаги (бирок, 50 фоиздан ошмаган) йиллик ставкада ҳисобланадиган, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.2. **Қарздор** Шартномага асосан ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг _____ **фоизи** миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.3. Шартноманинг 8.1 ва 8.2-бандларида кўрсатилган пенялар миқдорининг

барча ҳисобварақларидан мемориал ордер (тегишли ҳолларда тўлов талабномаси) орқали акцептсиз тарзда ундириб олинади.

8.4. **Қарздор** Шартнома бўйича ўз мажбурятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда неустойкадан ташқари етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди.

8.5. **Кредитор** кредит бериш мажбуриятини бажармаганда ёки ўз вақтида бажармаганда **Қарздор** олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. **Тарафлар** Шартнома бўйича ўз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ҳисобланган неустойкани тўлаш мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

8.7. **Қарздор** кредитдан мақсадсиз фойдаланганда **Кредиторга** мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 10 (ўн) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.8. **Қарздорнинг** телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ёки янги рақамини **Кредиторга** тақдим қилмаганлиги сабабли **Қарздорга** SMS хабарномалар бормаганда **Кредитор** жавобгар ҳисобланмайди.

9. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

9.1. Шартнома **Тарафлар** имзолаган кундан кучга киради ва **Тарафлар** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларича амалда бўлади.

9.2. Шартнома шартлари билан тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.3. Шартнома асосида ва унинг юзасидан **Тарафлар** ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, **Тарафлар** томонидан музокара орқали ҳал этилади.

9.4. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, **Тарафлар** ушбу низоларни суд тартибида ҳал этадилар.

9.5. **Қарздор** ҳар қандай хат-хабарларни ёзма шаклда почта орқали буюртмали (олинганлигини тасдиқловчи) хат билан юбориши керак.

9.6. **Қарздор** амалга оширилган тўловлар ва кредит қарздорлиги миқдори (асосий қарз, фоиз, пеня қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида, шунингдек мазкур Шартнома билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича уяли алоқа воситалари орқали SMS хабарномалар юборилишига **Кредиторга** ўз розилигини билдиради.

9.7. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхадан **Тарафларда** сақланади.

10. РЕКВИЗИТЛАР

«КРЕДИТОР»	«ҚАРЗДОР»
АТ «Алоқабанк» _____	_____

Манзил:

х/р: **xxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx**

МФО: _____

СТИР: _____

Тел: _____

АТ «Алоқабанк» _____ директори

(имзо)

М.У.

Паспорт маълумотлари: _____

_____ томонидан

_____ йилда берилган _____

_____ рақамли паспортга

асосан _____ йилда

туғилган.

ЖШШИР: _____

Рўйхатдан ўтган манзили: _____

Яшаш манзили: _____

(имзо)

Тел: Уй (____) _____

Мобил (____) _____

Иш жойи (____) _____

Пластик карта рақами / Амал қилиш
муддати:

_____ /

_____ /

_____ /

_____ /

(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ажратилadиган ипотека кредити шартномаси НАМУНАСИ – Биргаликда қарз олувчи мавжуд бўлганда)

Кредитнинг тўлиқ қиймати:
_____ (_____) фоиз
сўз билан

_____ - сонли ИПОТЕКА КРЕДИТИ ШАРТНОМАСИ

_____ шаҳри

_____ йил

Бир тарафдан АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Кредитор» деб аталувчи) номидан _____ йил _____ даги _____ - сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи АТ «Алоқабанк» _____ директори _____ ва иккинчи тарафдан жисмоний шахс _____ (бундан буён матнда «Қарздор» деб аталувчи) ҳамда биргаликда қарз олувчи жисмоний шахс _____ (бундан буён матнда «Биргаликда қарз олувчи» деб аталувчи) биргаликда «Тарафлар» деб аталувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ТУШУНЧАЛАР

1.1. Шартномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Кредит объекти – ажратилadиган кредит маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товар (маҳсулот) ва/ёки кўрсатилadиган хизматлар.

Гаров объекти – кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим қилинадиган мулклар.

Субсидия – ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва (ёки) кредит фоизининг бир қисмини ҳамда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредит фоизининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан **Қарздор** учун банкда унинг номига очилган тегишли ҳисобварағига ўтказилadиган маблағ.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. **Кредитор Қарздорга** Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан пул суммасини (мблағларини) (бундан буён матнда «Кредит» деб юритилади) бериш, **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** эса олинган кредитни қайтариш ва унинг учун фоиз тўлаш мажбуриятини олади.

3. АСОСИЙ ШАРТЛАР

3.1. Уй-жойнинг умумий қиймати: _____ (_____) сўм.

3.2. Кредит суммаси: _____ (_____) сўм.

Қарздор _____
(имзо)

3.3. **Қарздор**нинг ўз маблағи ҳисобидан тўланган бошланғич бадал суммаси:

_____ (_____) сўм.

3.4. Бошланғич бадал учун **Субсидия** миқдори: _____

(_____) сўм.

3.5. Кредитдан фойдаланиш муддати: _____ (_____) ой муддатга.

3.6. Кредитни сўндиришнинг охири муддати: _____ йил

3.7. Кредит бўйича фоиз ставкаси: йиллик _____ (_____) фоиз.

3.8. Кредит бўйича фоиз ставкасининг дастлабки беш йил давомида

Субсидия ҳисобидан қопланадиган қисми: йиллик _____ (_____) фоиз.

3.9. Кредитнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса – ўзгаришсиз қолади.

3.10. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули тарафларнинг келишувига кўра: дифференциал/аннуитет.

3.11. Кредит бўйича тўловларни тўлаш ҳар ойнинг _____ санасигача.

3.12. Кредитнинг мақсади: _____.

3.13. Кредитнинг объекти: _____.

3.14. Кредитнинг тўлиқ қиймати _____ (_____) фоизни ташкил қилади ва у қуйидаги тўловларни ҳисобга олиб ҳисобланади:

а) Кредитнинг асосий қарзи – _____ (_____) сўм, _____ тийин;

б) фоизлар бўйича тўловлар – _____ (_____) сўм, _____ тийин;

в) суғурта тўловлари – _____ (_____) сўм, _____ тийин;

г) гаров мулкани баҳолаш бўйича тўловлар – _____ (_____) сўм, _____ тийин;

д) «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами: 3030-сон, 2018 йил 2 июль)нинг 1-иловасига асосан бошқа тўловлар – _____ (_____) сўм, _____ тийин.

4. ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

4.1. **Қарздор** фойдаланилмаган кредитни ёки унинг бир қисмини олишдан бепул воз кечишга ҳақли.

4.2. Шартнома имзолангандан кейин **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчи** тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ҳамда тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда, **Кредитор** кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

4.3. **Қарздор** Шартнома тузилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календарь кун давомида кредитдан умуман фойдаланмаса **Кредитор** **Қарздор**нинг кредитни ўтказиш тўғрисида аризасини бажармасликка ҳақли.

4.4. Кредит қисмларга бўлиб босқичма-босқич ажратилган ҳолларда **Қарздор** кредитдан 1 (бир) йил ичида тўлиқ фойдаланмаса **Кредитор** кредитнинг фойдаланилмай қолган қисмини ажратишни рад қилишга ҳақли.

Қарздор _____
(имзо)

4.5. **Кредитор Қарздорга** Шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош торган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан **Қарздорга** кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юборилади.

4.6. **Кредитор** қуйидаги ҳолатларда **кредитни** ва барча тегишли фоизларни муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга:

а) **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи кредит** ёки унинг фоизларини ўз вақтида тўламаганда;

б) ажратилган кредит турли сабабларга кўра таъминотсиз бўлиб қолганда;

в) **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчи** ёлғон маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этганда;

г) **Қарздор** кредитдан мақсадсиз фойдаланганда.

4.7. **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчи** ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда ва Шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида 3 (уч) кун ичида ёзма шаклда **Кредиторга** хабар беради.

4.8. **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчининг** номига янги банк картаси очилганда ушбу банк картаси рақами ва унинг амал қилиш муддати тўғрисида **Кредиторга** хабар беради.

4.9. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** кредитни исталган вақтда муддатидан олдин жарима санкцияларисиз сўндиришга ҳақли.

5. ҲИСОБ – КИТОБЛАР

5.1. **Кредитор** кредитни Шартномада кўрсатилган шартлар асосида **Қарздорга кредит объектини** сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчи ёки реализация қилувчи шахснинг ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан (нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида) ажратади, шунингдек, яқка тартибдаги уй-жойни қуриш ва реконструкция қилишда кредитнинг бир қисми лойиҳа-смета ҳужжати бўйича бажарилган ишлар (иш ҳақи) тўлови учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларнинг ёки **Қарздорнинг** банк картасига ўтказиб берилиши мумкин.

5.2. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** кредитни ва унинг фоизларини **Кредиторга** Шартномага илова қилинган кредитни тўлаш жадвалида (**1-илова**) белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.

5.3. Кредитни ҳар ойдаги тўлов санаси ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларига, шунингдек дам олиш кунини деб эълон қилинган байрам кунларига тўғри келганда тўлов санаси кейинги иш кунига кўчирилади.

5.4. **Кредитор** Марказий банкнинг асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда **Қарздорни** огоҳлантириб, фоиз ставкаси даражасини ўзгартиришга ҳақли. Бошланғич фоиз ставкасини ўзгартириш **Кредиторнинг** мутлақ ҳуқуқи бўлиб, **Қарздор** фоиз ставкасининг **Кредитор** томонидан бир томонлама ўзгартирилишига ўз розилигини билдиради.

5.5. **Кредитга** фоизлар унинг қолдиқ суммасига кунлик ҳисоблаб борилади.

Қарздор _____
(имзо)

5.6. **Кредитор** Шартнома бўйича ҳамма суммаларни **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчининг** барча мол-мулклари (мулкый ҳуқуқлари), электрон пуллари ва таъминотлар ҳисобидан ундириб олиши мумкин.

5.7. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи Кредиторга** АТ «Алоқабанк»да, ҳамда бошқа банкларда очилган **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчининг** ҳар қандай ҳисобрақамларидан, шу жумладан, банк карталаридан кредит бўйича талабларни қондириш учун зарур бўлган маблағларни ва барча ҳисобланган неустойкаларни акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқаришга (ечиб олишга) ўз розилигини билдиради.

5.8. Шартнома бўйича **Қарздорга** кўрсатилган ва/ёки кўрсатилаётган барча банк хизматлари учун **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** амалдаги Банк Тарифида назарда тутилган банк хизмат ҳақини **Кредиторга** тўлайди.

5.9. Янги таҳрирдаги тарифларни банкнинг расмий веб сайти (www.aloqabank.uz)да эълон қилиниши, **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчини** бу ҳақда хабардор қилинган деб ҳисоблаш учун етарли бўлади ва унинг шартлари Шартнома **Тарафлари** учун мажбурий ҳисобланади.

5.10. Кредит тўлови учун амалга оширилган тўлов келиб тушган пайтда биринчи навбатда **Кредиторнинг** ижрони олишга қаратилган чиқимларини (харажатларини), ундан сўнг неустойка (пеня)ни, сўнг муддати ўтган фоизларни, муддати ўтган асосий қарзни, сўнгра жорий фоизларни, ундан сўнг қолган сумма кредит жорий қарздорлик суммасини қоплаш учун йўналтирилади.

5.11. Фоиз тўловининг бир қисми **Субсидия** ҳисобидан компенсация қилиниши назарда тутилган ҳолларда **Субсидия** ҳисобидан келиб тушган маблағ фоиз тўловларининг тегишли қисмини қоплаш учун йўналтирилади.

5.12. Фоиз тўловининг бир қисми учун **Субсидия** кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда ва миқдорда келиб тушмаганда ёки компенсация қилиш тўхтатилган ҳолларда, фоиз тўловининг **Субсидия** ҳисобидан қопланиши лозим бўлган қисми ҳам **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** томонидан тўланади.

5.13. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчидан** кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса ва **Кредитор** келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтирганда кредитни қайтариш жадвали **Қарздорнинг** аризасига асосан банкнинг амалдаги тарифидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилиши мумкин.

5.14. **Қарздор** фойдаланилмаган кредитдан воз кечиш ҳақида **Кредиторни** икки ҳафта олдин ёзма равишда хабардор этиш орқали ушбу кредитдан ёки унинг бир қисмидан воз кечишга ҳақли, бунда **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** томонидан қилинган ҳар қандай харажатлар **Кредитор** томонидан қайтарилмайди (қопланмайди).

6. ТАЪМИНОТ

6.1. **Қарздор** Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим этади:

Қарздор _____
(имзо)

6.2. Таъминот мол-мулк гарови бўлганда **Қарздор** гаров объектини **Кредитор** фойдасига ёнғин, zilзила, йўл транспорт ходисаси ва бошқа суғурта ходисаларидан **Кредит** муддатига мос равишда суғурталайди.

6.3. **Қарздор Гаров объектини** суғурталаганидан сўнг суғурта полисини **Кредиторга** 1 (бир) кунда тақдим этиши шарт.

6.4. **Кредиторнинг** Шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилганидан ва у **Кредитор** томонидан қабул қилиб олингандан сўнг кучга киради.

6.5. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчининг** кредит бўйича моддий жавобгарликлари 6.1-бандида курсатилган таъминот билан чекланмайди.

6.6. **Қарздор** Шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминотини тақдим этмагунча **Кредитор** ссуда ҳисобварақ очмаслиги ёки кредит бўйича пул ўтказиш тўғрисидаги тўлов ҳужжатларини (аризани) ижрога қабул қилмаслиги, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз қайтариши мумкин.

6.7. Шартноманинг 6.1-бандида кредит ҳисобига сотиб олинган мулк (кредит объекти)ни ушбу кредит бўйича гаровга тақдим қилиш шarti қўлланилганда мазкур мулк (кредит объекти) **Қарздор** томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг **10 (ўн)** иш кунидан кечиктирмасдан гаров объекти сифатида **Кредиторга** гаровга тақдим этилади.

6.8. **Кредит** таъминоти ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек гаров (ипотека) шартномасини нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека тўғрисидаги қайд ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ харажатларни **Қарздор** тўлайди.

6.9. **Қарздор** таъминотга тақдим этилган объектларни (мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни, ҳуқуқларни) кредит ва унинг фоизлари тўлиқ тўлангунча **Кредиторнинг** розилигисиз сотишга ёки бошқача тарзда реализация қилишга ҳақли эмас.

6.10. Кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкка шикаст етказилганда ёки турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиб қолганда **Қарздор 10 (ўн) иш кун** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

6.11. Кредит таъминоти сифатида кафиллиги қабул қилинган жисмоний ёки юридик шахслар тўлов қобилиятини йўқотган ҳолларда (масалан: ишсиз қолганда, вафот этганда, турли сабабларга кўра меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда, банкрот бўлганда, фаолиятини тўхтатганда) **Қарздор 10 (ўн) иш кун** ичида кредит таъминотига қўшимча равишда ликвидли мол-мулк, кафиллик ёки қонунчиликда белгиланган бошқа таъминот турини тақдим этади.

7. МОНИТОРИНГ

7.1. **Қарздор** кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни **Кредиторга** тақдим этади.

7.2. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи Кредитор** сўраган ва/ёки Шартномада кўрсатилган барча ҳужжатларни **Кредиторга** 3 (уч) иш куни давомида тақдим қилади.

7.3. **Кредитор** бевосита **Қарздор** яшаш жойида ва доимий рўйхатдан ўтган жойида мақсадли текширишларни амалга ошириши мумкин.

7.4. **Кредитор** Шартномада назарда тутилмаган мақсадлар учун кредит суммасини ўтказиш тўғрисидаги **Қарздорнинг** тўлов ҳужжатларини (аризасини) қабул қилмайди, қабул қилинган тўлов ҳужжатларини (аризаларни) ижросиз **Қарздорга** қайтаради.

7.5. **Қарздор** кредит ажратилганидан сўнг 30 кун давомида **Кредиторга** кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (хисоб-фактура, бажарилган иш ҳужжатлари ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар) тақдим этмаса ёки банк ходимларига кредит мониторингини ўтказилишида тўсқинлик қилса ёки шароит яратиб бермаса мазкур кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб ҳисобланади.

7.6. Қуйидаги ҳолларда ҳам кредит мақсадсиз сарфланган ёки фойдаланилган деб ҳисобланилади:

а) **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчи** томонидан **Кредиторга** кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

б) ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра кредит мақсадсиз сарфланган ёки мақсадсиз фойдаланилган деб топилса;

в) кредит хисобидан сотиб олинган мулк **Кредиторнинг** ёзма розилигисиз сотилиши, ҳадя қилиниши, алмаштирилиши ва бошқа йўл билан четлатилиши ёки мулк жойини ўзгартирилишига йўл қўйилган бўлса.

7.7. **Кредитор** Шартнома бўйича зарур бўлган ҳужжатларни **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчидан** сўраб олиш ва ушбу ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганда кредит маблағларини ажратишни тўхтатиб туриши мумкин.

7.8. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** Шартнома амал қилиш даврида бир йилда бир марта иш жойидан ўртача иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўғрисида **Кредиторга** маълумотномалар тақдим этиб боради.

7.9. **Қарздор** ёки унга кафил бўлаётган жисмоний шахсларнинг ёхуд **Биргаликда қарз олувчининг** даромад манбаларига нисбатан шубҳа уйғонганида ёки кредитни қайтарилиши муаммога айланганида, банк вакиллари **Қарздор** ёки унга кафил бўлган жисмоний шахсларнинг ёхуд **Биргаликда қарз олувчининг** иш жойларига бориб уларнинг ҳақиқатдан ўша ерда ишлаётганликлари тўғрисида уларнинг иш жойидан тасдиқланган маълумотнома олиши ёхуд кафил юридик шахс бўлганда унинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиши мумкин.

7.10. **Қарздор**, унинг кафили, таъминот тақдим этувчи ва/ёки **Биргаликда қарз олувчига** нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, назорат қилувчи

Қарздор _____
(имзо)

органлар ёхуд судлар томонидан қўлланилган ёки қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир чоралари, иқтисодий, молиявий жарималар ва иқтисодий, молиявий санкциялар тўғрисида **Қарздорга** маълум бўлган кундан бошлаб **Кредиторга** 2 (икки) кун ичида хабар беради.

8. ЖАВОБГАРЛИК

8.1. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** Шартномага асосан кредитнинг асосий қисмини қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда кредитнинг муддати ўтган асосий қисмига ҳар бир кечиктирилган кун учун Шартноманинг **3.7-бандидаги** фоиз ставкасининг **___ баробари** миқдоридаги (бирок, 50 фоиздан ошмаган) йиллик ставкада ҳисобланадиган, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.2. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** Шартномага асосан ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **___ фоизи** миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.3. Шартноманинг 8.1 ва 8.2-бандларида кўрсатилган пенялар миқдорининг барча ҳисобварақларидан мемориал ордер (тегишли ҳолларда тўлов талабномаси) орқали акцептсиз тарзда ундириб олинади.

8.4. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда неустойкадан ташқари етказилган зарарни тўлиқ миқдорда тўлайди.

8.5. **Кредитор** кредит бериш мажбуриятини бажармаганда ёки ўз вақтида бажармаганда **Қарздор** олдида қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. **Тарафлар** Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш ёки мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ҳисобланган неустойкани тўлаш мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

8.7. **Қарздор** кредитдан мақсадсиз фойдаланганда **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** **Кредиторга** мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 10 (ўн) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.8. **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчининг** телефон рақами ўзгарганлиги, ишламаганлиги ёки янги рақамини **Кредиторга** тақдим қилмаганлиги сабабли **Қарздор** ёки **Биргаликда қарз олувчига** SMS хабарномалар бормаганда **Кредитор** жавобгар ҳисобланмайди.

9. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

9.1. Шартнома **Тарафлар** имзолаган кундан кучга киради ва **Тарафлар** шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларича амалда бўлади.

9.2. Шартнома шартлари билан тартибга солинмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Қарздор _____
(имзо)

9.3. Шартнома асосида ва унинг юзасидан **Тарафлар** ўртасида вужудга келган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар, **Тарафлар** томонидан музокара орқали ҳал этилади.

9.4. Вужудга келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаганда, **Тарафлар** ушбу низоларни суд тартибида ҳал этадилар.

9.5. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** ҳар қандай хат-хабарларни ёзма шаклда почта орқали буюртмали (олинганлигини тасдиқловчи) хат билан юбориши керак.

9.6. **Қарздор** ва **Биргаликда қарз олувчи** амалга оширилган тўловлар ва кредит қарздорлиги миқдори (асосий қарз, фоиз, пеня қарздорлиги ва муддати ўтган қарздорликлар) ҳақида, шунингдек мазкур Шартнома билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича уяли алоқа воситалари орқали SMS хабарномалар юборилишига **Кредиторга** ўз розилигини билдиради.

9.7. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхадан **Тарафларда** сақланади.

10. РЕКВИЗИТЛАР

«КРЕДИТОР»	«ҚАРЗДОР ВА БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ»
<p>АТ «Алоқабанк» _____</p> <p>Манзил: _____</p> <p>_____</p> <p>х/р: xxxxxxxxxxxxxxxxxxxxxx</p> <p>МФО: _____</p> <p>СТИР: _____</p> <p>Тел: _____</p> <p>АТ «Алоқабанк» _____ директори</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>(имзо)</p>	<p>_____</p> <p>Паспорт маълумотлари: _____</p> <p>_____ томонидан</p> <p>_____ йилда берилган _____</p> <p>_____ рақамли паспортга</p> <p>асосан _____ йилда</p> <p>туғилган.</p> <p>ЖШШИР: _____</p> <p>Рўйхатдан ўтган манзили: _____</p> <p>_____</p> <p>Яшаш манзили: _____</p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>(имзо)</p> <p>Тел: Уй (____) _____</p> <p>Мобил (____) _____</p> <p>Иш жойи (____) _____</p> <p>Пластик карта рақами /Амал қилиш муддати:</p> <p>_____ /</p> <p>_____ /</p>

Паспорт маълумотлари: _____

_____ томонидан

_____ йилда берилган _____

_____ рақамли паспортга

асосан _____ йилда

туғилган.

ЖШШИР: _____

Рўйхатдан ўтган манзили: _____

Яшаш манзили: _____

(имзо)

Тел: Уй (_____) _____

Мобил (_____) _____

Иш жойи (_____) _____

Пластик карта рақами /Амал қилиш
муддати:

_____/_____
_____/_____

М.У.